

## **АЁЛ- БИР ҚҰЛИ БИЛАН БЕШІК ,БИР ҚҰЛИ БИЛАН ДУНЁ ТЕБРАТАР.**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти*

*давлат музейи илмий ходими:*

**Г. Валиева.**

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киргиздиган,хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунавар қиласынан зоттар ҳам аслида мұйытабар аёлларимиз, оналаримиз, опасенгилларимиздир. Аёл хурмату-икромга, эътирофу—эъзозга муносиб зот, уларни эъзозлаш, хурмат күрсатиш, шарққа ўзбек ҳалқыга хос олижаноб хусусиятларидан биридир.

Аёл ўзининг заҳматкашлыги, меҳрибонлиги боис дунёдаги энг нуфузли мақом оналик мартабасига эришган. У кўра кўпроқ фарзандини ўйлайдиган унинг учун ўз борлигини баҳшида этадиган мунис ва муҳтарам шаҳслардир. Аёлларга тинчлик рамзи сифатида қаралиши ҳам бежизга эмас. Тарихий манбаларда аёллар гоҳо бутун салтанат тизигини қўлга олиб, жамиятнинг гултожига айланган вазиятни кўрсак, гоҳо зулм ва жабру-жафолар гирдобига ғарқ бўлганини қузатамиз. Массагетлар ҳукмдори Тўмарис жасур, мард фидоийлиги довруғи оламга ёйилган. Испан қироличаси Изабелла, арман маликаси Тамара ўз даврининг етук сиёсатдонлари бўлишган Шарқда бундай ҳукмдор, шоира, олима аёлларнинг тарихда ўрни бекиёсдир. Темур ва темурийлар сулоласига мансуб хотин-қизлар бунга мисол бўлади. Сароймулхоним, Гавҳаршодбегим, Ҳадичабегим, Хонзодабегим, Гулбаданбеким, Зебинисолардир, Улар ўз даврида боболаримизга елкадош, маслаҳаттўй бўлишган.

Сароймулхоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн-латофат боғида ҳам беназир эди. У ватанни севгучи,

мамлакат иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган. Айниқса илм-маърифатга алоҳида эътибор билан қараган ва толиби илмларга ҳомийлик қилган. Ўта зийрак ва тадбиркор Сароймулхони салтанатни бошқаришда ўз маслаҳатлари билан қатнашган. Амир Темур ошкора Сароймулхонимга бўйсинмасада унинг оқилона маслаҳатларига эҳтиёж сезиб турган.

Гавҳаршодбегим юксак дид, фаросатли, оқила, қатъиятли, латофатли ва суҳандон аёл бўлган. Ҳиротни маданий, иқтисодий, ижтимоий ривожида ҳиссаси катта Унинг турмуш ўртоғи Шоҳруҳ мирзо табиатан динга эътиқодли кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутола қилиш билан ўтказган. Салтанат девон ишларини ўқтам ва тадбиркор Гавҳаршод бегим бошқарган. Қайнотаси Амир Темур вафотидан кейин аста-секин салтанат ишларини ўз қўлига олади. Вилоятларга хоким тайинлаш, қўшинларга саркарда белгилаш, хатто кимга қандай инъом бериш, кимга қандай жазо бериш каби масалалар ҳам унинг ихтиёрида эди. У жуда кўп қурилиш ишлари барпо этган. Масжид, мадраса, шифохона, кўприк, мақбаралар ёдгорлик бўлиб қолди.

Нуржахон бегим Жаҳонгиршоҳ салтанатида доно маслаҳатчи эди У мамлакатнинг ижтимоий, маданий ҳаётига доир кўпгина эзгу тадбирларни бажарган. Нуржахон бегим ихтирочи ҳам эди, чунончи гулоб ва атри Жаҳонгирийни кашф этган. Шу билан бирга бир неча ҳил хуш таъм лазиз таомлару, хона безакларини яратди. Нуржахон бегим етим-есир, хотин-қизларга ҳомийлик қилган. Қайердаки ота-онасидан айрилган етим қиз бўлса савоб йўлида ўзи бош бўлиб куёвга узатар, ҳар бирига ўзига яраша сеп қилиб берар экан. У маликалик вақтида 500та қизга ана шундай мурувват кўрсатиб сепи билан узатган. У ўз замонасининг истеъдодли шоираси бўлган. Жаҳонгиршоҳ суюкли хотини Нуржахон бегим шарафига “Нури Жаҳоним” деб аталган 12 грамли олтин танга зарб эттирган. Тарих мабаларидан англашимиз мумкинки, ўзбек аёли ҳар бир даврда

жамиятнинг ўзига хос рутубатли синовларида миллий ва ахлоқий салоҳияти илиа юксак ижтимоий нуфузга эга бўлган. Бугунги кунда ҳам аёлларимиз эл-юрт фаровонлиги йўлида қўрсатган фидоийликлари ворисийлик асосида давом этмоқда. Жумладан ҳозирги кунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасида кўплаб аёлларимизнинг самарали меҳнатларини кўришимиз мумкин. Аёлларга шарқона ҳурмат ва эҳтиром қўрсатиш, ота-боболаримиздан қолган ибратли меросдир. Шу ўринда юртбошимиз томонидан 1999 йил “Аёллар йили”, 2000 йил “Оналар ва болалар”, 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” дейилишининг ўзи ҳам фикримиз далилидир

Аёл нафақат оиласада фарзанд бешигини, балки у том маънода дунёни тебратишга қодир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2т-Т.; «Санъат» 2001, 89-б.
2. Курбанова Й. Амалий санъат буюмларига бадиий ишлов беришда турли ранглардан фойдаланиш. БМИ. Тошкент – 2014, 104-б .
3. Б.Курбонов, Г.Курбанова Технология Ва Дизайн Тошкент -2020, 246-б